## СЎНГГИ СОАТДА

### МАМЛАКАТИМИЗДА

• «ЭКОСАН» экология ва саломатлик халқаро жамғармаси Латвия Республикасининг Ўзбекистондаги элчихонаси билан тузган ҳамкорлик шартномаси Ўзбекистон ва Латвия ўртасида ўзаро манфаатли алоқаларнинг ривожланишига кўмаклашади. Унда иккала мамлакатнинг экология муаммолари ва аҳоли саломатлигини муҳофаза қилиш билан шуғулланувчи, тиббий дори-дармон ва асбоб-ускуналар ишлаб чиқарувчи фирмалари, давлат ва турли жамоат ташкилотлари ўртасида амалий алоқалар ўрнатишга ёрдам бериш кўзда тутилган.

***

**• ХАЛҚАРО иқтисодий таълим тажрибаси ва Ўзбекистонда унинг ривожлантирилиши Тошкент Давлат иқтисодиёт университетида ўтаётган ва икки ҳафта давом этадиган семинарнинг мавзусидир. Унда вилоятлар олий ўқув юртлари қошида ишлаётган бизнес мактабларининг директорлари ва ўқитувчилари иштирок этмоқда.**

***

• НАМАНГАН вилоятининг Косонсой туманидаги «Ал Луқмон» акционерлик жамиятига қарашли дорихоналар ва фитобарлар аҳолига хилма-хил шифобахш гиёҳлар ва улардан тайёрланган дори-дармонларни сотмоқда.

### ЖАҲОНДА

**• ФРАНЦИЯ тинч уммонидаги Фангатофа оролида олтинчи мартаба ер ости ядро портлатишни ўтказди. Куни кеча эса Франция Президенти Жак Ширак унинг мамлакати бундан буён ядро синовларини тўла тўхтатганини айтди.**

***

• РОССИЯ Бош вазири Виктор Черномирдин Америка Қўшма Штатларига расмий ташриф буюрди. У бу ерда АҚШ вице-президенти А. Гор билан учрашди.

***

**• ИСРОИЛ Олий суди 14 йилдан буён қамоқда сақланаётган 78 ёшли олим Маркус Клинбергни унинг соғлиғи ёмонлашгани туфайли муддатидан олдин озод этиш ҳақидаги илтимосини яна рад этди. М. Клинберг собиқ Совет Иттифоқи фойдасига айғоқчилик қилгани учун 20 йил муддатга қамоқ жазосига ҳукм этилган эди.**

**(ЎзА ва чет эл матбуоти хабарлари асосида тайёрланди).**


*Ватанни севмак иймондандур!*

# ЎЗБЕКИСТОН ОВОЗИ

Ўзбекистон Халқ демократик партияси газетаси

**1996 йил 1 февраль, пайшанба № 14 (21.935).**

*Газета 1918 йил 21 июндан чиқа бошлаган*


### *Ватан аҳлларига деганларим*

*Инсоннинг ўзига энг яқин ҳалокатлик душмани онгсизлик, илмсизликдир.*

***

*Ўз ҳукуматини, Ватанини ва миллатини сақлаш учун замонавий фан илмини ўқиб билиш фарздир.*

***

*Инсоният тараққиёти эмас, маданият тараққиёти бўлмиш йигирманчи асримиздаги инсонлар миллий, ватаний, диний ҳуқуқларини сақлаш учун қайси нарсаларни қўлга келтириши зарур эканлигини яхши тушуниб, унинг чорасига киришсинлар.*

*Алихонтўра СОҒУНИЙ.*

## *Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони*

# ТОШКЕНТ ШАҲРИДАГИ УЙ-ЖОЙ ҚУРИЛИШИНИ ДАВЛАТ ТОМОНИДАН ҚЎЛЛАБ-ҚУВВАТЛАШНИ КУЧАЙТИРИШ ТЎҒРИСИДА

Аҳолининг турар жой шароитларини яхшилаш, уй-жойни мулк қилиб сотиб олишга бўлган ижтимоий кафолатлар ва ҳуқуқларни кучайтириш, фуқароларнинг эркин пул маблағларини уй-жой қурилишига жалб этишни рағбатлантириш мақсадида:

1. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг, Давлат мулки қўмитасининг, Ташқи иқтисодий фаолият миллий банкининг, Халқ банкининг, «Ўзсаноатқурилишбанк»нинг, «Тошкентуйжойинвестқурилиш» корпорациясининг Тошкент давлат акциядорлик уй-жой-жамғарма банки — «Тошкентуйжойжамғармабанк»ни ташкил этиш тўғрисидаги таклифи маъқуллансин.

Банкнинг устав фондини 250 миллион сўм миқдорида ҳосил қилиш тўғрисида муассисларнинг таклифига розилик берилсин.

2. Қуйидагилар «Тошкентуйжойжамғармабанк» фаолиятининг асосий йўналишлари этиб белгилансин:

Тошкент шаҳрида уй-жой қурилишини пул билан таъминлаш учун фуқаролар ва юридик шахсларнинг эркин маблағларини жамлаш;

уй-жой сотиб олиш ҳуқуқини берадиган номлари кўрсатилган уй-жой облигацияларини муомалага чиқариш ва улар билан операциялар ўтказиш;

жисмоний ва юридик шахслар топширган буюртмаларга мувофиқ уй-жойларни қуриш ва сотиб олиш бўйича буюртмачи сифатида иш юритиш;

жисмоний ва юридик шахсларнинг маблағларини махсус уй-жой ссуда-жамғарма ҳисоб варақларида жамғариш ҳамда уларни муомалага киритиш борасидаги ишларни ташкил қилиш;

уй-жойларни сотиб олиш ҳамда қуриш учун фуқароларга ва юридик шахсларга узоқ муддатли кредитлар бериш;

уй-жойларни барпо этишга оид лойиҳа-қидирув ва қурилиш-монтаж ишларини ўтказишга маблағ сарфлаш;

фуқароларга, уй-жой қурилиш мажмуига кирувчи корхоналар ва ташкилотларга ҳар томонлама банк ҳамда валюта-инвестиция хизматини кўрсатиш;

уй-жой қурилишига ажратилган маблағлар аниқ мақсад йўлида фойдаланилиши, шунингдек, пудрат қурилиш ташкилотлари билан ҳисоб-китоблар ўз вақтида ўтказилиши ҳамда берилган кредитлар қайтарилиши устидан таъсирчан назоратни таъминлаш.

3. «Тошкентуйжойжамғармабанк»ка тажриба тариқасида қуйидаги ҳуқуқ берилсин:

фуқаролар ва юридик шахсларнинг буюртмаларига мувофиқ уй-жойларни бекаму-кўст қуриб топшириш учун буюртмаларни танлов асосида пудрат ташкилотлари ўртасида тақсимлаш;

тузилган шартномаларга мувофиқ, кейинчалик жисмоний ва юридик шахсларга сотиш учун кўчмас мулк бозоридан мавжуд уй-жой фондини сотиб олиш, уни таъмирлаш борасидаги ишларни амалга ошириш.

4. Белгилаб қўйилсинки, қуйидагилар «Тошкентуйжойжамғармабанк»нинг номлари кўрсатилган уй-жой облигациялари бўйича уй-жойларни сотиб олиш ҳуқуқига эгадирлар:

18 ёшга тўлган ва Тошкент шаҳрида камида уч йил доимий рўйхатдан ўтиб истиқомат қилувчи жисмоний шахслар — маҳалла қўмиталари ва туман ҳокимликларининг тавсияномалари бўйича;

Тошкент шаҳрида белгиланган тартибда рўйхатга олинган барча мулкчилик шаклидаги юридик шахслар ўз ходимлари учун — меҳнат жамоаларининг қарорлари бўйича.

5. Белгилаб қўйилсинки, жисмоний шахслар «Тошкентуйжойжамғармабанк»нинг уй-жой облигациялари бўйича сотиб оладиган уй-жой қийматининг 50 фоизи давлат бюджетининг маблағлари ҳисобидан қопланади.

Юридик шахслар бундан истиснодир.

Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳар йили «Тошкентуйжойжамғармабанк» томонидан мазкур шартлар асосида жисмоний шахсларга бериладиган уй-жойларнинг тахмин қилинаётган ҳажмларини ҳисобга олган ҳолда ушбу банкка молиялаш ҳажмларининг 50 фоизини аниқ мақсад учун ажратиб берсин.

Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги бир ой муддатда «Тошкентуйжойжамғармабанк» билан биргаликда ушбу мақсадларга сарфланадиган харажатларни молиялаш тартибини ишлаб чиқиб, тасдиқласин.

6. «Тошкентуйжойжамғармабанк» омонатчиларига қуйидаги имтиёзлар берилсин:

жисмоний шахслар номи кўрсатилган уй-жой облигацияларини сотиб олишга ва «Тошкентуйжойжамғармабанк» кредитини тўлашга сарфлайдиган даромадининг қисмидан даромад солиғи тўлашдан;

Юридик шахслар «Тошкентуйжойжамғармабанк» билан тузилган шартномалар бўйича ўз ходимлари учун уй-жой сотиб олишга фойдаланадиган даромад (фойда) қисмидан даромад (фойда) солиғи тўлашдан;

жисмоний ва юридик шахслар билан «Тошкентуйжойжамғармабанк» тузган шартномалар бўйича уй-жой қурилиши қўшилган қиймат солиғини тўлашдан;

«Тошкентуйжойжамғармабанк» давлат томонидан рўйхатга олинган пайтдан бошлаб 5 йил мобайнида солиқлар тўлашдан ва қонунларда белгиланган мажбурий тўловлардан озод қилинсин. Бунда бўшаб қолган маблағларни устав фондини кўпайтиришга, банкнинг моддий-техника ва ресурс базасини мустаҳкамлашга йўналтириш шарт.

7. Шу нарса белгилаб қўйилсинки, ҳар бир жисмоний шахс мазкур имтиёзларни қўлланган ҳолда фақат битта квартирани сотиб олиши мумкин.

Уй-жой сотиб олинган кундан бошлаб 5 йил мобайнида у сотиладиган ёки бошқача тарзда кимгадир топшириладиган, ижарага бериладиган ҳолларда, олинган кредитлар ва тегишли имтиёзлар ҳамда солиқлар уй-жой сотилган ёки кимгадир,топширилган куни амалда бўлган ставкалар бўйича тўлиқ миқдорда тўланади.

8. Белгилаб қўйилсинки, уй-жой қурилиши ва уни сотиб олиш учун шартномаларни тузиш чоғида «Тошкентуйжойжамғармабанк»нинг номлари кўрсатилган уй-жой облигацияларининг дастлабки туркуми:

жисмоний шахслар учун — сотиб олиниши тахмин қилинаётган уй-жой майдонларининг камида 20 фоизига;

ўз ходимларига уй-жой сотиб олувчи юридик шахслар учун — уй-жой майдонининг камида 50 фоизига мувофиқ бўлиши керак.

Уй-жой қийматининг қолган қисмига «Тошкентуйжойжамғармабанк»:

жисмоний шахсларга — Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг амалдаги фоиз ставкасининг 25 фоизи ҳисобидан, аммо йиллик фоиз ставкаси 20 фоиздан оширилмасдан 10 йил мобайнида тўлаш шарти билан кредит берсин;

юридик/шахсларга — амалдаги такрор молиялаш ставкасининг 50 фоизи миқдорида бир йилгача муддат билан қисқа муддатли кредит берсин.

9. Жисмоний шахс уй-жой сотиб олиш ва қуриш учун олган кредитини муддатидан илгари тўлаган тақдирда белгиланган имтиёзли фоиз ставкалари уч йилгача бўлса — 50 фоизга, беш йилгача бўлса — 30 фоизга камайтирилади.

10. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги давлат суғуртаси бош бошқармасининг уй-жой қурилиши учун мўлжалланган фуқароларнинг аниқ мақсад йўлидаги барча омонатлари жамики таваккалчиликлардан имтиёзли шартлар билан суғурталаниши тўғрисидаги таклифи қабул қилинсин.

11. Ўзбекистон Республикасининг Адлия вазирлиги бир ой муддатда Молия вазирлиги, Давлат солиқ қўмитаси ва Марказий банки билан биргаликда мазкур Фармон қабул қилиниши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритишга оид таклифларни тақдим этсин.

12. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси бир ҳафта муддатда ушбу Фармонни ижро этиш юзасидан қарор қабул қилсин.

**Ўзбекистон Республикаси Президенти**

**И. КАРИМОВ,**

Тошкент шаҳри,
1996 йил 31 январь.

<u>*Бу ҳақда Ўзбекистон ХДП Марказий Кенгаши XV пленумида айтилган эди*</u>

# ЧУҚУР ЎРГАНАЙЛИК

Биринчи чақириқ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси IV сессияси қабул қилган қонун ва қарорлар, Президент И. А. Каримовнинг мазкур сессияда сўзлаган нутқи узоқ муддатли, дастурий аҳамиятга молик ҳужжатлардир. Уларни ўқиш-ўрганиш мамлакатимизда амалга оширилаётган ислоҳотларни чуқурлаштириш вазифаларини муваффақиятли ҳал этиш учун ўта муҳимдир. Чунки, уларда баён этилган хулоса ва қоидаларни ўзлаштириш фуқароларимизни ташаббускорлик, тадбиркорлик кўникмаларига эга бўлишларига, Ватанимизнинг нурли истиқболига ишончларининг мустаҳкамланишига, уларнинг айримларини боқимандалик кайфиятларидан халос бўлишларига кўмак бериши шубҳасиздир. Айни пайтда, мазкур ҳужжатларни мутолаа қилиш ХДП аъзолари, фаолларимиз, барча ватандошларимизнинг сиёсий маданиятини оширишга хизмат қилади.

Ана шуларни ҳамда партиямизда қарор топган анъанани ҳисобга олиб, Ўзбекистон ХДП Марказий Кенгаши XV пленуми Олий Мажлис IV сессияси ҳужжатлари, Президентимизнинг мазкур сессияда сўзлаган нутқини партиямиз бошланғич ташкилотларида ўрганиб чиқишни ҳамда уларни аҳоли ўртасида кенг тарғиб қилишни уюштиришни тавсия этди.

Шу муносабат билан Марказий Кенгаш Котибияти, услубий ёрдам тариқасида, Республика Олий Мажлиси IV сессияси ҳужжатлари, Ўзбекистон Президенти И. А. Каримовнинг мазкур сессияда сўзлаган нутқини Ўзбекистон ХДП ташкилотларида ўрганиб чиқиш мақсадида ўтказиладиган машғулотларнинг Намунавий режасини ҳамда унда баён этилган хулоса ва қоидаларни тарғиб-ташвиқ қилишга доир маъруза, мулоқот, суҳбат, илмий-амалий анжуманларнинг Намунавий мавзуларини тасдиқлади.

Улардан бошланғич партия ташкилотлари сиёсий ўқув тизимидаги ҳаракатдаги клублар, тўгараклар, доимий семинарлар машғулотларни ўтказишда, аҳоли турли қатламлари ўртасида тарғибот-ташвиқот олиб боришда фойдаланиш мумкин.

Машғулотларнинг мавзулари ва ўрганиш учун ажратиладиган вақт миқдори-тахминий, уларни шундайлигича қабул қилиш ёки ўзгартириш (тўлдириш, қисқартириш) масаласини ҳар бир жамоа (ташкилот)нинг хусусиятларидан келиб чиқиб, ҳал этиш лозим. Шаҳар, туман партия кенгашлари бошланғич ташкилотларга сиёсий клублар, семинарлар, тўгаракларнинг раҳбарларини танлашда, тарғиботчиларга эса машғулотларни ўтказиш ҳамда уларни услубий ашёлар, маҳаллий далиллар билан таъминлашда амалий ёрдам кўрсатишлари керак.

Маъруза, суҳбат, мулоқот, илмий-амалий анжуманларни корхона, хўжалик маъмурияти, жамоат ташкилотлари билан ҳамкорликда ташкил этиш тавсия этилади.

Қорақалпоғистон республика, вилоятлар ва Тошкент шаҳар партия кенгашлари қуйи партия ташкилотларининг шу соҳадаги фаолиятларини мувофиқлаштиришлари ва назорат этиб боришлари зарур.

*(Намунавий режа ва Намунавий мавзулар газетанинг 2-бетида эълон қилинмоқда).*

**Ўзбекистон ХДП МК матбуот маркази.**



**Абдуғаффор Ҳаққуловни нафақат Самарқандда, балки Хева, Бухоро, Қаршида ҳам яхши танишади. Ўзбекистонда хизмат кўрсатган маданият ходими унвонига сазовор бўлган бу уста фақат меъморгина эмас, балки тарихий ёдгорликларни таъмирлаш мавзусидаги бир неча китоб ва мақолаларнинг муаллифи ҳамдир. У айни пайтда шогирдларига ёдгорликларни таъмирлаш, кошинкорлик, ганчкорлик, наққошлик ва бошқа ҳунарларни ўргатмоқда.**

**СУРАТДА: уста Абдуғаффор Ҳаққулов шогирдлари даврасида.**

**В. ТИМЧЕНКО олган сурат.**

**Нукус шаҳрида ташкил этилган «Ойзода» фирмасида 40 турдан зиёд маҳсулотлар тайёрланади. Эркаклар ва аёллар кийим-кечаклари, миллий чопонлар, дўппи, пойабзал буюмлари ва ёдгорликлар халқимизга манзур бўлаётир. Маҳсулот таннархи тобора арзонлашиб бораётгани туфайли дўконларда арзон нархда сотилаётир. Корхонага Озода Удербоева раҳбарлик қилаяпти. Ташаббускор, билимдон раҳбар барча ишга бош-қош. Фирмада ўз ишининг устаси бўлмиш юқори малакали ишчилар тўпланишган.**

**СУРАТДА: пойабзалларни таъмирлаш цехи усталаридан Юсуф Қулмуродов ва Турсунбой Пирниёзов.**

**А. МУРОТОВ (ЎзА) олган сурат.**



# ШИФОХОНАДА ДОРИ БОР, АММО...

*Қўнғироқ*

Шифохоналарда бемор қўлига бир даста дори-дармон рўйхатини тутқазиб, «Мана шуларни топиб келсангиз, кейин муолажани бошлаймиз» дейишларига кўникиб қолувдик. Чунки дори-дармон тақчиллиги бор гап. Лекин тижорат дорихоналари остонасини босган беморнинг кўзи нархларга тушар экан, бир дарди икки бўлади. Зеро, бу дориларни сотиб олишни бировнинг ҳамёни кўтаради, бошқаси ноилож қарз-ҳавола қилади.

Аммо давлат томонидан шифохоналарда ётган беморларга ажратилган даволаш воситаларини ҳам уларга раво кўрмаётган оқ халат соҳиблари бор экан. Марғилон шаҳар прокуратураси ўтказган тергов чоғида шаҳар ўқувчи ва ўсмирлар шифохонасидаги даволанувчилар:

— Ҳамма тегишли дориларни ўзимиз топиб келяпмиз, — дейишди шикоятомуз оҳангда. Демак, бу шифохонада дори-дармон жуда ҳам танқис экан-да, деган хулосага келдик. Аммо тузукроқ текширилганда шифохона бош ҳамшираси В. Цойнинг ҳисобида 700 дона бир марта ишлатиладиган шприц, 72 дона танага суюқлик киритиш системаси, 17 шиша гемодез, турли витаминлар, бинт ва бошқа турдаги камёб дорилар фойдаланилмай ётганлиги маълум бўлди. Ҳатто 1994 йили шифохонага «мурувват» йўли билан берилган 17 тур дори-дармондан ҳам 1995 йил охирига қадар фойдаланилмаган. Беморларга эса жавоб битта — дори йўқ! Хўш, юқоридаги дорилар кимга ва нима сабабдан асралган? Ҳамшира Р. Ҳайитбоеванинг хонасида эса фойдаланиш муддати олти ой аввал тугаган дорилар турибди.

«Ипакчи» ҳиссадорлик жамиятининг тиббиёт-санитария қисмига қарашли болалар маслаҳатхонасида беморларга тарқатилган дорилар расмийлаштирилмаган. «Мурувват» йўли билан олинганларининг бир қисмидан вақтида фойдаланмаслик оқибатида уларнинг муддати ўтиб кетган.

Шаҳардаги талабалар шифохонасидан марказий шифохонага топширилаётган ҳисоботларда бир марта ишлатиладиган шприцлар миқдори негадир аниқ кўрсатилмаган. Бу «паришонхотирлик» боиси нима экан, билмадик... Катта ҳамшира Ш. Акбарованинг зиммасидаги дорилардан камомад чиқди.

Шундай нуқсонлар бошқа шифохоналарда ҳам йўқ деб ким айта олади? Иситмада ёниб турган беморга шифохонада турган дорини йўқ деб, бечорани сарсон-саргардон қиладиган шифокорни ким деб аташ мумкин? Шаҳар, қолаверса, вилоят соғлиқни сақлаш бўлимларидаги мутасаддилар бу ҳолга нима деркинлар?

**Алишер ИБОДИНОВ,**
**«Ўзбекистон овози» мухбири.**

# БУГУНГИ СОНДА:


**2-бет**

**«ЗАМОН ЯХШИЛИККА ОҒДИ, ЁРОНЛАР!»**

**Мамлакатимиздаги ўтиш жараёнида ижобий самаралар ўзини кўрсата бошлади.**

**3-бет**

**«ҚОЯЛАР ВА СОЯЛАР»**

**Андижон вилоятида ислоҳотларни жорий этиш йўлидаги муаммолар таҳлили.**

**4-бет**

**«ТУРКИЙ ҲИКМАТ МАКТАБИ»**

**Жаҳон тафаккурига қўшилган муносиб ҳисса хусусида.**

*Республика Олий Мажлиси IV сессияси ҳужжатлари, Ўзбекистон Президенти И. А. Каримовнинг мазкур сессияда сўзлаган нутқини Ўзбекистон ХДП ташкилотларида ўрганиш бўйича ўтказиладиган машғулотларнинг*

# НАМУНАВИЙ РЕЖАСИ

| Мавзулар | Ажратилган вақт | Машғулот шакли |
|---|---|---|
| Биринчи чақириқ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси IV сессиясининг мамлакатимизда амалга оширилаётган туб ўзгаришлардаги ўрни ва аҳамияти | 1 соат | Суҳбат |
| Ўзбекистон Республикаси Президенти И. А. Каримов мамлакатимиз ижтимоий-сиёсий ривожланишининг 1995 йилдаги асосий якунлари тўғрисида | 1 соат | Маъруза |
| Мамлакатимизда иқтисодийислоҳотларни чуқурлаштиришнинг асосий хусусият ва вазифалари | 1 соат | Маъруза |
| Қишлоқда туб ислоҳотларни ўтказишнинг аҳамияти | 1-2 соат | Давра суҳбати |
| Миллий валюта (сўм)ни мустаҳкамлаш — шу куннинг муҳим вазифаси | 1 соат | Суҳбат |
| Иқтисодиётни таркибий янгилаш — республикамиз иқтисодий мустақиллигини таъминлашнинг муҳим омили | 1 соат | Маъруза |
| Ўзбекистонда бозор иқтисодиётини вужудга келтириш ва мулкдорлар синфини шакллантириш масалалари | 1-2 соат | Суҳбат |
| Мамлакатимиз мустақиллигини таъминлаш — долзарб умуммиллий давлат вазифаси | 1 соат | Суҳбат |
| Ижтимоий муҳофаза сиёсати самарадорлигини ошириш вазифалари | 1 соат | Суҳбат |
| Фуқароларнинг жисмоний соғломлиги ва маънавий камолотини таъминлаш — Ўзбекистонда янги жамият қуришнинг муҳим шарти | 1 соат | Суҳбат |
| Ёшларни тарбиялаш — умумдавлат, умумхалқ иши | 2 соат | Давра суҳбати |
| Демократик, фуқаролик жамияти асосларини вужудга келтириш — мустақил тараққиётимиз омили | 1 соат | Маъруза |
| Қонунчилик ва ҳуқуқий тартибни мустаҳкамлаш — шу куннинг долзарб вазифаси | 1 соат | Маъруза |
| Ўзбекистоннинг ташқи сиёсати — тинчлик, дўстлик ва ҳамкорлик сиёсати | 1 соат | Суҳбат |
| Ислоҳотларнинг янги босқичида Ўзбекистон Халқ демократик партияси ташкилотлари, барча аъзоларининг ўрни ва вазифалари | 1 соат | Давра суҳбати |
| Мамлакатимизда амалга оширилаётган ислоҳотларнинг тақдири, бунёдкорлик режаларининг муваффақияти — ҳар биримизнинг қўлимизда | 2 соат | Давра суҳбати |

### Адабиётлар

И. А. Каримов. Бунёдкорлик — фаровон ҳаёт асоси. Президент Ислом Каримовнинг Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг IV сессиясидаги нутқи. «Халқ сўзи», 1995 йил 22 декабрь; «Ўзбекистон овози», 1995 йил 23 декабрь.

И. А. Каримов. Ўзбекистон иқтисодий ислоҳотларни чуқурлаштириш йўлида. «Ўзбекистон», 1995 йил.

Президент Ислом Каримовнинг халқ депутатлари Самарқанд вилояти Кенгаши сессиясидаги нутқи. «Халқ сўзи», 1995 йил 22 ноябрь; «Ўзбекистон овози», 1995 йил 23 ноябрь.

Истиқлол имкониятларидан оқилона фойдаланайлик. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг халқ депутатлари Қашқадарё вилояти Кенгаши сессиясида сўзлаган нутқи. «Халқ сўзи», 1995 йил 1 декабрь; «Ўзбекистон овози», 1995 йил 2 декабрь.

Тинчлик, барқарорлик ва ҳамкорлик — энг эзгу мақсадларимиз. Ислом Каримовнинг Тошкентдаги дипломатия корпуси ва республикада фаолият кўрсатаётган журналистлар билан учрашувда сўзлаган нутқи. «Ўзбекистон овози», «Халқ сўзи», 1995 йил 30 декабрь.

Ислоҳотлар ҳар биримизнинг виждон ишимиз бўлсин. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасида 1995 йил 25 декабрда ўтказилган кенгаш тўғрисида ахборот. «Тошкент оқшоми», 1995 йил 27 декабрь.

Ғалла ва пахта — ризқ-рўзимиз манбаи. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасида 1996 йил 23 январда бўлиб ўтган йиғилиш ҳақидаги ахборот. «Халқ сўзи», 1996 йил 24 январь.

Шунингдек, газеталарда эълон қилинган Олий Мажлис IV сессияси ҳужжатлари, вилоятлар фаоллари йиғилишлари ҳақидаги хабарлар, Ўзбекистон ХДП Марказий Кенгаши XV пленуми, Тошкент шаҳар ва вилоятлар кенгашлари пленумлари тўғрисидаги мақолалар, маҳаллий матбуот саҳифаларида босилаётган маълумотлардан фойдаланиш тавсия этилади.

*Республика Олий Мажлиси IV сессияси ҳужжатлари, Ўзбекистон Президенти И. А. Каримовнинг мазкур сессияда сўзлаган нутқида баён этилган хулоса ва қоидаларни тарғиб-ташвиқ қилишга доир маърузалар, мулоқотлар, суҳбатлар, илмий-амалий анжуманларнинг*

# НАМУНАВИЙ МАВЗУЛАРИ

Биринчи чақириқ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси IV сессиясининг мустақил мамлакатимиз тарихидаги ўрни ва аҳамияти.

Ўзбекистон Республикаси Президенти И. А. Каримовнинг Олий Мажлис IV сессиясидаги нутқи — узоқ муддатли дастурий аҳамиятга молик сиёсий ҳужжат.

1995 йилда мамлакатимиз ижтимоий-сиёсий ривожланишининг асосий якунлари.

Иқтисодий ислоҳотлар янги босқичининг устивор йўналишлари ва бош вазифалари.

Қишлоқда туб ислоҳотлар ўтказиш — республикамиз иқтисодиётини ривожлантиришнинг ҳал қилувчи омили.

Қишлоқда ислоҳотларни чуқурлаштиришнинг асосий йўналишлари.

Қишлоққа саноатни олиб кириш, унда кичик ва ўрта корхоналарни ташкил этиш, маиший хизмат тармоқларини вужудга келтириш — долзарб вазифалар.

Қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқариш самарадорлигини ошириш муаммолари.

Ўзбекистон дон мустақиллигига эришиш йўлида.

Мамлакатимиз макроиқтисодиётини барқарорлаштириш — 1996 йилдаги бош вазифа.

Миллий валютани мустаҳкамлаш — асосий иқтисодий вазифалардан бири.

Экспорт қилинадиган молларни ишлаб чиқаришни кўпайтириш — мустақиллик иқтисодий пойдеворини яратишнинг муҳим омили.

Иқтисодиётни ислоҳ қилишда хорижий сармояларнинг аҳамияти.

1996 йилдаги муҳим вазифа — иқтисодиётимизни таркибий жиҳатдан янгилаш йўлидан боришни давом эттиришдир.

Ўзбекистон иқтисодиётининг ҳудудий таркибини такомиллаштириш халқ хўжалиги тузилмаларини янгилашнинг муҳим йўналиши.

Мамлакатимизда мулкдорлар синфини шакллантириш — жамиятимиз барқарорлиги, уни демократик йўлдан боришининг ижтимоий омилини қарор топтириш.

Пай — қишлоқ хўжалигида ислоҳотларни чуқурлаштиришнинг муҳим воситаси.

Иқтисодий ислоҳотларнинг бош мақсади — инсон, мустақил Ватанимиз фуқаролари.

Ўзбекистон ҳукуматининг аниқ йўналтирилган ижтимоий муҳофаза сиёсати — амалда.

Соғлом авлодни тарбиялаб вояга етказиш — умумдавлат, умумхалқ иши.

Истиқлол эҳтиёжларига хос таълим-тарбия тизимини яратишга ҳисса қўшиш — давлат, ўзини ўзи бошқариш идоралари, тадбиркорлар, жамоат ташкилотларининг бурчи.

Юртбошимиз мамлакатимизда фуқаролик жамиятига аста-секин ўтиш тўғрисида.

Ислоҳотлар янги босқичида республикада қонунчилик ва ҳуқуқий тартибни мустаҳкамлаш масалалари.

Мамлакатимизда ҳуқуқий давлат, демократик жамиятни бунёд этишда судлар нуфузини ошириш, уларга фуқаролар ишончини мустаҳкамлашнинг аҳамияти.

Ислоҳотларнинг янги босқичи ва Ўзбекистон Халқ демократик партияси ташкилотларининг вазифалари.

Мамлакатимиз ташқи иқтисодий алоқалари самарадорлигини ошириш масалалари.

Ўзбекистон ҳукуматининг Марказий Осиёда тинчликни тўла қарор топтириш, яхши қўшничилик ва ўзаро манфаатли алоқаларни ривожлантиришга доир ташаббус ҳамда амалий ишлари.

Ислоҳотларни жадаллаштиришда фаол иштирок этиш, ташаббускорлик намуналарини кўрсатиш — ХДП ҳар бир аъзосининг ватанпарварлик бурчи.

Ислоҳотлар, янгиланиш тақдири, ўтиш даври қийинчиликларини тезроқ бартараф этиш — Ватанимизнинг ҳар бир фуқароси, барчамизнинг аҳиллигимиз, самарали меҳнатимизга боғлиқ.

*Фан оламида*

## ИҚТИДОРЛАР САФИ КЕНГАЙМОҚДА

**САМАРҚАНД. Икки йилдирки, Алишер Навоий номли Давлат университетининг математика ва физика куллиётларида иқтидорли талабалар гуруҳлари фаолият кўрсатмоқда. Бундай хайрли ишга профессор Саидаҳмад Лақаев раҳбарлик қилмоқда.**

Талабалар бу гуруҳларга малакали ўқитувчилар суҳбатидан кейин танланган. Ҳозирча икки куллиётда 3 та гуруҳ бўлиб, 80 нафар йигит-қиз илм сирларини ўрганмоқда.

— Махсус гуруҳда ўқиётганларнинг ўзлаштириши анча юқори. Физика куллиётидаги биринчи гуруҳда 13 талабанинг 6 нафари аълога ўқимоқда, — дейди профессор. — Ўзлаштириши талабга жавоб бермаганлар оддий гуруҳга ўтказиб юборилади. Ўрнига бошқа иқтидорлилар танланади. Бу усул ёшларда илмга қизиқиш уйғотмоқда.

Албатта бундай гуруҳларда ҳамма ҳам ўқиши қийин. Чунки дарс соатлари бошқаларникидан 10-20 фоизга кўпайтирилган. Дарс дастури эса Москва, Санкт-Петербург ва Киев университетларидаги тажрибалар асосида тузилган. Иқтидорлилар оддий стипендия олишади. Лекин аълочилар рағбатлантириб турилади.

**Меликул НУШАРОВ,**
**профессор.**
**Фармон ТОШЕВ,**
**«Ўзбекистон овози» мухбири.**

*Ишлаб чиқариш*

## ТЕЖАМКОР УСКУНА

**НАМАНГАН. Учқўрғон ёғ заводи ҳиссадорлик жамияти муҳандислари республика озиқ-овқат саноати илмий-ишлаб чиқариш бирлашмаси лойиҳалаш институти олимлари билан ҳамкорликда янги тежамкор ускуна яратдилар.**

Янги ускуна шу соҳа кишиларига ёқиб қолди. Ускуна чигитдан чулуғни ажратиб олишда қўлланилмоқда. Қизиғи шундаки, унинг ёрдамида чигит мағзидан олинадиган ёғ миқдори ошиб, сифати яхшиланади. Муҳими, ёғни ортиқча исроф бўлишга йўл қўймайди. Бош муҳандис Тоҳиржон Шамсиддиновнинг таъкидлашича, бундай ускуналарни кўплаб тайёрлаш мўлжалланмоқда.

**Абдулла ЖАЛИЛ.**

## ЗАМОН ЯХШИЛИККА ОҒДИ, ЁРОНЛАР!

Якшанба куни эди. Маҳалламиздан ифторликка айтиб чиқишди. Бордик. Ўн беш-йигирма чоғли одам бир жойда ўтирибмиз. Тошкентнинг нариги чеккасидан меҳмонлар ҳам, водийдан ташриф буюрган отахонлар ҳам бор эди. Йиғилганларнинг бири деҳқон, бири ҳунарманд, бири мелиса, яна бири замонталаб касб эгаси. Хуллас, эл кезиб, юрт оралаб юрган одамлар. Дастурхонда... ноз-неъмат деганингизнинг бари бор.

Ифторлик бўляпти. Ҳол-аҳвол сўрашилди, дуойи фотиҳалар ўқилди. Дастурхондаги узум мақталди. Гап мева-чевадан чиқиб, бозорга кўчди, нарх-навога ўтди. Йилнинг яхши келгани, об-ҳавонинг қарашиб тургани — бари-бари айтилди, шукроналар тилга олинди.

Ана шунда тўрда ўтирган нуроний отахон (Андижон томонлардан келган шекилли) бош силкиб:

— ЗАМОН ЯХШИЛИККА ОҒДИ ЭНДИ, — дедилар.

Ўтирганлар ҳаммаси оғизибол отахонни маъқуллашди.

Мен хушхабардан суюндим, маъқуллашлардан қувондим. Сабаби — булар юртимизнинг турли бурчакларидан келган одамлар эди, оддий халқ вакиллари эди. Шуларки хушхабарни маъқуллашдими, демак, ишонса бўлади. «Эл оғзи каромат» деган гап бор, ахир. Шу суюнчларимни элга билдирай деб қўлимга қалам олдим. Ўйладимки, халқимиз қийинчиликлардан ўтди энди. Ўйладимки, мамлакатимиздаги ўтиш жараёнида ижобий самаралар ўзини кўрсата бошлади. Ўйладимки, Худо хоҳласа, юртимизда тинчлик-аҳиллик бўлса, ҳаётимиз бундан буён фақат гўзаллаша боради...

Ўзбекистонда замон яхшиликка оғди!

**Бир уйга йиғилдик неча ўн меҳмон,**
**Шукрона дегудай тўкин дастурхон,**
**Хушхабар сўз айтди шунда бир инсон:**
**Замон яхшиликка оғди, ёронлар!**

**Давра маъқуллади бу сўзни шу чоқ,**
**Кўнглимда ёришди юз-юзлаб чироқ,**
**Муттаасис бўлиб айтдим, иншооллоҳ,**
**Замон яхшиликка оғди, ёронлар!**

**Нега суюнмайин? Халқ айтмайди қалп!**
**Қалп сўзни барибир сингдирмайди қалб,**
**Мана, турибди-ку давра ҳам алқаб:**
**Замон яхшиликка оғди, ёронлар!**

**Рост бўлсин энг оғир дамлар ўтгани,**
**Бошимиз устидан булут кетгани,**
**Эй умид қуёши, порла, ён, қани,**
**Замон яхшиликка оғди, ёронлар!**

**Хушхабарчи ота, оғзингизга бол,**
**Сиз саксон-тўқсонни қоралаган чол,**
**Айтмассиз ёлғонни, ўтрикни, алҳол —**
**Замон яхшиликка оғди, ёронлар!**

**Куни-кеча Тошкентда кенг давра бўлди,**
**Қирғиз, тожик, қозоқ, туркманим келди,**
**Дўст халқлар бирликка сўзни бир қилди,—**
**Замон яхшиликка оғди, ёронлар!**

**Бирлашиб турганда беш дўст, биродар,**
**Қасд қилолмас бизга на ёв, на хатар,**
**Ўтаймиз ҳар ғовдан омон, муқаррар,**
**Замон яхшиликка оғди, ёронлар!**

**Турмуш муштларидан юпқа тортган дил,**
**Оддий халқ сўзидан жўш урди дадил.**
**Қани, ҳей юрагим, шукронангни қил,**
**Замон яхшиликка оғди, ёронлар!**

**Мен бир ҳовлиқма жон, тина билмадим,**
**Лекин мадҳ-мақтовга кўна билмадим,**
**Шу шеърни ёзмасдан тура билмадим,**
**Замон яхшиликка оғди, ёронлар!**

**Қуёш елкамизда, шул тож бизники,**
**Ҳур, янги чечакдан гултож бизники,**
**Худо насиб қилса — ривож бизники,**
**Замон яхшиликка оғди, ёронлар!**

**Музаффар АҲМАД.**



**Эндиликда Ўзбекистонда ҳайдов тракторлари етишмовчилигига барҳам бериладиган бўлди. Сирдарёда ташкил этилган «Ўзолтойтрактор» қўшма корхонаси мутахассислари шундай демоқдалар. Қўшма корхонанинг йиғув конвейеридан ҳайдов тракторларининг дастлабки туркуми чиқди. Олтой трактор заводи билан Ўзбекистон қишлоқ хўжалиги техникасини таъмирлаш ва таъминлаш давлат қўмитаси биргаликда ташкил этган қўшма корхонанинг цехларида янги ускуналар, асбоблар ўрнатилган. Бу борада россияликлар ғамхўрлик қилишди. Бунинг эвазига республикамиз россияликларга пахта жўнатадиган бўлишди.**

**Ҳозирча олтойликлар 60 та тракторни йиғишга етадиган комплектловчи деталларни жўнатишди. Бундан ташқари сирдарёликлар россияликлардан 24 та «Енисей» комбайнларини сотиб олишди.**

**Суратда: механика участкаси токарларидан Икром Тошбоев ва Ғанишер Дониёров.**

**Баҳром ТЎРАЕВ (ЎзА) олган сурат.**

# ДУНЁ ВОҚЕАЛАРИ

ЯНГИЛИКЛАР, ХАБАРЛАР, ФАКТЛАР

### КИНКЕЛ БАЁНОТИ

**• БОНН. «Европа иттифоқи (EU) парламент ассамблеяси Россиянинг ҳамжамиятта қабул қилиниши ҳақидаги қарорни қувватлаш билан бу мамлакат очиқ демократик жамият қуриш йўлидан бораётганини эътироф этди», деди Германия Федератив Республикаси ташқи ишлар вазири Клаус Кинкел ассамблея сессиясидаги баёнотида. Унинг сўзларига қараганда, Россиянинг Европа иттифоқига қабул қилиниши мамлакатдаги демократик кучларни қўллаб-қувватлашни англатади ва айни вақтда Россияни Европадан ажратишга бўлган уринишларга зарба беради.**

### ҚУДДУС ШАҲРИ АРАБЛАР УЧУН ЁПИЛДИ

• ТЕЛЬ-АВИВ. Исроил ҳукумати Ғазо секторда ва Иордан дарёсининг ғарбий қирғоғида яшовчи фаластинлик араблар учун Қуддус шаҳрини ёпиқ деб эълон қилди. Исроил Мудофаа вазирлиги вакилининг айтишича, бу қарор мусулмонлар учун муқаддас Рамазон ойида жума намозларининг ўтказилиши чоғида жамоат хавфсизлигини таъминлаш мақсадида қабул қилинган.

### МУЗОКАРАГА ҲАММА НАРСА ТАХТ

**• БАЙРУТ. Ливан Исроил билан тинчлик музокараларини қайтадан бошлашга тайёр. Бу мамлакат Президенти Илёс Ҳиравий «Ливаннинг Исроил билан музокаралари учун зарур ҳужжатлар тахт бўлганини» айтди. У, шунингдек Жанубий Ливандан Исроил аскарлари олиб чиқиб кетилгач, Ливан армияси бу ҳудуддаги хавфсизликни таъминлаш вазифасини ўз зиммасига олишга тайёрлигини таъкидлади. Маълумки, бу тадбир БМТ хавфсизлик Кенгашининг 425 резолюциясида ўз ифодасини топган.**

### ЧЕГАРА ҲАМОН БУЗИЛМОҚДА

• ДУШАНБЕ. Якшанба куни тунда Панж чегара отряди чегарачилари мухолифат аъзоси бўлган 7 нафар қуролли кишини Афғонистондан Тожикистон ҳудудига ўтказишга уринишни барбод этдилар. Россия чегара қўшинларининг Тожикистондаги қўмондонлиги матбуот маркази хабарига қараганда, бошқа чегара постлари ҳам Афғонистондан реактив снарядлар билан ўққа тутилган.

### ТАНСУ ЧИЛЛЕР НОРОЗИ

**• АНҚАРА. Туркия бош вазири Тансу Чиллер Грецияни Туркия ҳудудларига даъво қилишда айблади. У ўтган ҳафтада Эгей денгизидаги икки кичик оролда Греция байроғи кўтарилгани муносабати билан шундай деди.**

**Туркия Бош вазири 50-йилларда бўлиб ўтган икки томонлама музокаралар чоғида Греция бу ороллар масаласини кўриб чиқишни таклиф этганини, бироқ, кейинчалик бу масала хусусида мулоқот олиб боришдан бош тортганлигини эслатди.**

### ЭНГ НУФУЗЛИ ДАВЛАТ АРБОБИ

• ҚОҲИРА. Буюк Британиянинг маркетинг ва информация ассоциацияси Араб давлатлари ўртасида ўтказган сўров натижаларига кўра, Миср Президенти Ҳусний Муборак 1995 йилнинг энг обрўли ва нуфузли давлат арбоби деб топилди.

Саудия Арабистони шоҳи Фатҳ ибн Абдул Азиз ва Марокаш қироли Ҳасан икки эса ўтган йили Ислом дунёсида энг кўзга кўринган намоянда деб тан олинди.

### ХАВФЛИ ҲАРАКАТЛАР

**• ДЕҲЛИ. Ҳиндистонлик икки нафар полициячи Манипур штатида қўпорувчилар дастидан ҳалок бўлди. Штат маркази — Импхал шаҳридаги савдо марказида ўрнатилган бомбанинг портлаб кетиши икки оила гўдакларини етим қолдирди.**

**Кейинги йилларда мамлакатда кучайиб бораётган қўпорувчилик ҳаракатлари тобора хавфли тус олмоқда. Унинг жабрини кўпроқ мамлакат тартибни сақлаш органлари ходимлари тортаётир. Импхал воқеаси юз берган куни Ҳиндистон мустақиллиги нишонланаётган Жайпур шаҳрида ҳам бомба портлади. Афсуски, бу ерда ҳам бир неча нафар полициячи ҳаётдан кўз юмди.**

### КРЕДИТ ОЛИШ ҚИЙИНЛАШДИ

• ПАРИЖ. Францияда нашр этиладиган «ЭКО» газетасининг ёзишича, халқаро валюта фонди февраль ойининг ярмига қадар Россияга кредит бериш ҳақидаги таклифни мутлақо кўриб чиқмайди.

«Россия иқтисодий ислоҳотларни амалга оширишга қодирлигини исботламас экан, кредит тўғрисида гап ҳам бўлиши мумкин эмас», дейилади жумладан, шу мавзуга бағишланган мақолада.

### ҲАРБИЙ ТЎНТАРИШ ЮЗ БЕРДИ

**• НИАМЕЙ. Ўтган шанба куни Нигер ҳарбийлари мамлакатда давлат тўнтаришини амалга оширган эдилар. Нигер миллий қутқариш кенгаши (МҚК) янги муваққат ҳукумат таркибини эълон қилди.**

**Тўнтаришда раҳбарлик қилган полковник Иброҳим Барре Майнассара миллий қутқариш кенгаши раиси этиб тайинланди.**

**Собиқ давлат раҳбари Маҳаман Усмон ва ҳукуматнинг бошқа аъзолари айни вақтда ҳибсга олинган.**

### ЭҲТИЁТ ЧОРАЛАРИ КЎРИЛДИ

• КОЛОМБО. Шри-Ланка ҳарбий қўмондонлиги мамлакат шимолий ҳудудларида назоратни кучайтирди. «Тамил илама «озодлик йўлбарслари» (ТОТИ) раҳбарларининг Жафна шаҳрида кенг кўламли қуролли ҳаракатларни бошлаш тўғрисида берган баёноти туфайли ана шундай эҳтиёт чоралари кўрилди.

Маълумотларга қараганда, айни вақтда Жафнага 150 дан зиёд ТОТИ жангарилари кириб олишга муваффақ бўлган.

### ҲАРБИЙ ҚИСМЛАР ЎҚҚА ТУТИЛДИ

**• ИСЛОМОБОД. Покистон Президенти Фарух Легарий Ҳиндистон армияси оғир артиллерияси Покистон қуролли кучлари Кашмирда назорат қилаётган ҳудудлардаги ҳарбий қисмларни ўққа тутганлигини айтди.**

**Ҳиндистоннинг мазкур ҳаракати минтақадаги кескинликнинг янада кучайишига олиб келади, деди Покистон Президенти. Ҳиндистон ҳукумати эса ушбу баёнотни рад этмоқда.**

### ЯНГИ ПАРЛАМЕНТ ИШ БОШЛАДИ

**• АЛМАТИ. Қозоғистон янги парламенти ўз ишини бошлади. Маълумки, мазкур парламент ўтган йилнинг декабрь ойида сайланган эди.**

**Бу парламент олдингисидан тубдан фарқ қилади. Айни вақтда унинг таркибида иккита палата бўлиб, улар сенат ва мажилис деб аталади. Сенат таркибига 47 нафар, мажилис таркибига эса 67 нафар халқ ноиби кирган.**

### МУҚАДДАС РАМАЗОН ОЙИ МУНОСАБАТИ БИЛАН

• ҚОҲИРА. Фаластин миллий маъмурияти (ФММ) муқаддас Рамазон ойи муносабати билан Ҳамас ислом қаршилик ҳаракати аъзоларидан 16 нафарини қамоқдан озод этди.

Фаластин ҳукуматининг мазкур қарори халқаро доираларда бу икки ташкилот ўртасида Қоҳирада имзоланган битимнинг меваси сифатида баҳоланмоқда.

### ЯНГИ РЕГЛАМЕНТ МУҲОКАМА ЭТИЛДИ

**• БРЮССЕЛЬ. Европа иттифоқи кенгашининг навбатдаги мажлисида таъсис дастурининг янги регламенти муҳокама этилди.**

**Янги регламент тўрт йил давомида Ҳамдўстлик давлатларига ёрдам тариқасида Европа иттифоқи бюджетидан 3 миллиард долларга яқин маблағ ажратилишини кўзда тутади.**

**Мазкур регламент Европа парламентида тасдиқланганидан кейин, Европа иттифоқи кенгаши уни расман қабул қилади.**

***(Жаҳон ахборот агентликлари ва газеталаридан олинди).***

